



DEVELOPMENT OF THE CITIES OF THE LOWER AMUDARYA ECONOMIC REGION

M. A. Kadirov

*Professor, Department of Socio-Economics
Samarkand State University
Samarkand, Uzbekistan*

O. A. Yarmanov

*Student
Samarkand State University
Samarkand, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Economic region, classification, functional type, territorial structure, urban structure, ecological situation, natural resources, city, town.

Received: 15.12.24

Accepted: 17.12.24

Published: 19.12.24

Abstract: The article provides a description of the formation of cities in the Lower Amu Darya region, urban development definition and description of the cities of the Khorezm region and the Republic of Karakalpakstan, their territorial composition, classification by population, functional types, and also studies the influence of the environmental situation on the development of cities in the Lower Amu Darya region and presents conclusions.

ҚУЙИ АМУДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

M. A. Кадиров

*Ижтимоий-иқтисодий кафедраси профессори
Самарқанд давлат университети
Самарқанд, Ўзбекистон*

O. A. Ярманов

*Талаба
Самарқанд давлат университети
Самарқанд, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: иқтисодий район, классификатсия, функционал тип, худудий таркиб, урбанистик таркиб, экологик вазият, табиий ресурслар, шахар, шахарча.

Аннотация: Маколада Куйи Амударё минтақасида шахарларнинг шакилланиш хусусиятлари, Хоразм вилояти ва Коракалпогистон Республикаси шахарларининг урбанистик таркиби,

тафсифи, шахарларининг худудий таркиби, ахоли сонига караб классификацияси, функционал типлари, шунингдек, Куйи Амударё минтақасида экологик вазиятнинг шахарлар ривожланишига таъсири масалалари урганилган ва хуносалар келтирилган.

РАЗВИТИЕ ГОРОДОВ НИЖНЕАМУДАРЬИНСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЙОНА

M. A. Кадыров

Профессор социально-экономического факультета

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

O. A. Ярманов

Студент

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Экономический район, классификация, функциональный тип, территориальная структура, городская структура, экологическая ситуация, природные ресурсы, город, городок.

Аннотация: В статье дана характеристика формирования городов Нижнеамударьинского региона, градостроительное определение и описание городов Хорезмской области и Республики Каракалпакстан, их территориальный состав, классификация по численности населения, функциональным типам, а также изучено влияние экологической ситуации на развитие городов Нижнеамударьинского региона и представлены выводы.

Кириш. Қуйи Амударё минтақаси республикамида майдони жиҳатидан энг катта худуд бўлиб, унинг майдони 172,6 минг кв. км.ни ёки Ўзбекистоннинг 38,5 фоизини ташкил этади. Минтақа таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти киради. Бу худуд республиканизнинг энг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Амударёнинг қуи қисмида жойлашганлиги район ҳосил қилувчи географик омил ҳисобланади. Орол дengизининг куриши натижасида бу ернинг табиий шароити, одамларнинг яшаш тарзи, экологик вазият тубдан ўзгарди ва салбий оқибатларга олиб келди. Профессор А.С.Солиев фикрига кўра, Амударёнинг бошланиши Тожикистонда Саразм деб номланса, унинг қўйилиш жойи Хоразм деб номланади, яъни Саразм дарёнинг бошланиш жойи, Хоразм дарёнинг қўйилишида дарё хор бўлади, яъни сув кам етиб келади, ифлосланиб келади ва ҳ.к. Бу

минтақа географик ўрнининг ўзига хослиги шундадир. Иқтисодий район Туркманистан ва Қозоғистон билан чегарадош бўлиб, сиёсий алоқалар олиб боришида қулайлик тўғдиради.

Асосий кисм. Қуйи Амударё райони хўжалиги аграр-индустрисал йўналишга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва уни қайта ишлаш ва саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда. Республика ялпи ички маҳсулотининг 5,6 %, саноатнинг 9,1 % маҳсулоти тўғри келади. Минтақада 3934,3 минг киши ёки мамлакатимизнинг 10,9 фоиз аҳолиси яшайди (2023 й.).

Минтақа табиий ресурсларга бой бўлиб, бу ерда олтин, мис, темир рудаси, қимматбаҳо тошлар, фосфорит, гел, қурилиш материаллари хом ашёлари, ош тузи, табиий газ конлари мавжуд. Фойдали қазилма бойликларнинг мавжудлиги, минтақанинг транзит йўлда жойлашганлиги ва меҳнат ресурслари бу ерда шаҳар аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатган.

Бу худуд аҳолиси сони 2000-2023 йиллар мобайнода 29 фоизга ўсган. Аҳолисининг 41,2 фоизи шаҳар аҳолиси ҳисобланади. Аҳоли зичлиги паст бўлиб, 1 кв. кмда 23 киши тўғри келади.

Минтақа худудида 15 та шаҳар ва 82 та шаҳарчалар (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари) жойлашган бўлиб, бу ерда 1616,9 минг аҳоли истиқомат қиласи ёки республикамиз шаҳар аҳолисининг 9,1 фоиз аҳолиси демакдир.

Хоразм вилояти 1938 йилда ташкил топган бўлиб, аҳолиси 2023 йил маълумотига қўра 1958,1 минг кишини ёки мамлакатимиз аҳолисининг 5,4 фоизини ташкил қиласи. Майдони 6,05 минг кв. км бўлиб, республикада бу жиҳатдан охирдан 3-ўринни эгаллади.

Хоразм вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда республикадаги улуши паст бўлиб, 13,2 фоизни ташкил этади. Бу ерда автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришдаги улуши эса 9,8 фоиз (бу жиҳатдан Ўзбекистонда Андижон вилоятидан кейин 2-ўринда), бошқа тоифадаги киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқаришдаги улуши 8,6 фоиз (бу жиҳатдан ҳам 2-ўринда, Тошкент шаҳридан кейин)га teng. Шунингдек, вилоятда ичимликлар, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам ривожланиб бормоқда.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-гарбидаги, Амударёнинг қўйилиш қисмидаги жойлашган бўлиб, Туркманистан Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятлари билан чегараланади. Амударё Хоразм вилоятида аҳоли ва аҳоли пунктларнинг жойлашуви ҳамда шаклланишида катта рол ўйнаган. Бу худудни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида Амударё асосий географик омил ҳисобланади.

Вилоятнинг тўрт томони чўллардан иборатлиги, албатта унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Хоразм ҳудудини Туркманобод-Тошховуз-Бейнау темир йўли кесиб ўтиши, бу ерда шаҳар аҳоли пунктларини вужудга келиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатган, шунингдек бу йўл Россия, Қозоғистон ва Туркманистон билан иқтисодий алоқалар қилиш учун хизмат килади. Минтақанинг Орол денизига яқинлиги ва унинг қуриши вилоят экологиясининг ёмонлашишига сабаб бўлган.

2018 йил маълумотига кўра, Хоразм вилоятида урбанизация даражаси 33,3 фоиз бўлиб, 2009 йилдаги “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастури доирасида 51 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилди. Энг кўп шаҳарчалар Гурлан ва Хива туманларида ташкил этилди.

Маълумки, аҳоли пунктлари қадимдан сув манбаларида, карвон йўлларида шаклланган. Хоразм вилояти шаҳар аҳоли пунктларининг вужудга келишида Амударё, Полвон, Ёрмиш, Шовот ва Қиличниёзбой каналларининг аҳамияти каттадир. Шу билан бирга, юқорида айтилганидек, Туркманобод-Тошховуз-Бейнау темир йўл ва автомобил йўлларининг бу ҳудудни кесиб ўтганлиги ҳам бевосита таъсир кўрсатган (Ахмедов, 1991).

Вилоядта 3 та шаҳар ва 56 та шаҳарчалар мавжуд бўлиб, республикамида урбанизация даражаси энг паст бўлган вилоят ҳисобланади.

Минтақада шаҳарлар сони кам бўлиб, булар Урганч, Питнак ва Хива ҳисобланади. Урганч шаҳри 1929 йилда ташкил топган бўлиб, бу ерда 1959 йилда 43,8 минг киши яшаган, 1970 йилда 76,2, 1990 йилда 132,0, 2000 йилда 139,2, 2023 йилга келиб эса 149,9 минг кишига етган. Кўриниб турибдик, шаҳар аҳолиси доимо ошиб борган.

Вилоят шаҳар аҳоли пунктлари ичида катта шаҳар битта бўлиб, бу вилоят маркази Урганч шаҳри, Хива шаҳри - ўрта шаҳар, қолган шаҳар аҳоли пунктлари кичик ва майда ҳисобланади.

Афсонавий Хива шаҳри эрамизгача IV асрда Амударёнинг чап соҳилида Полвон канали ёнидаги текисликда қад ростлаган. Айни пайтда шаҳарда гилам фабрикаси, пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари фаолият олиб бормоқда. Амударё бўйида жойлашган Питнак (1992) шаҳрининг ривожланишида қулай транспорт географик ўрин, хусусан Чоржўй-Қўнғирот темир йўлининг қурилиши ва Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хоразм-Нукус автомагистрали муҳим омил бўлиб хизмат қилган (Солиев ва бошқалар, 2018).

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат сифатида 1992 йилда эълон қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг чекка шимоли-ғарбида, муаммоли минтақада жойлашганлиги, унинг Ўзбекистон Республикасининг марказий районларидан узоқда жойлашганлиги иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикасининг геосиёсий мавқеи, транзит функцияси, табиий ресурс салоҳияти

келажакда унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида қулайликлар яратади. Қорақалпоғистон Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари билан чегарадош бўлибина қолмай, Ўзбекистоннинг ғарб мамлакатларига чиқиши учун дарвоза вазифасини ҳам ўтайди (Солиев ва бошқалар, 2018).

Қорақалпоғистон таркибига 12 та шаҳар, 26 та шаҳарча, 15 та қишлоқ туманлари, 141 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 1128 та қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашган. Республика майдони 166,59 минг кв. км бўлиб, мамлакатимиз ҳудудининг 37,1 фоизини эгаллади. Аҳоли сони 1976,2 минг киши ёки Ўзбекистон аҳолисининг 5,6 фоизини ташкил этади (2023).

Қорақалпоғистон хўжалигида асосан дехқончилик, хусусан шоли етишириш ва жунгўшт чорвачилиги ривожланган. Шу билан бирга, озиқ-овқат ва енгил саноат, нефт-газ ва кимё саноати тараққий этиб бормоқда. Бу ҳудуд ҳиссасига Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ЯИМнинг 2,7 фоизи, саноат маҳсулотининг 5,1 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишнинг 3,0 фоизи тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон саноатида етакчи ўринни кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши эгаллаб, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган кимё маҳсулотларининг 40,9 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Бу жиҳатдан республика мамлакатимизда 1-ўринни эгаллади. Саноатининг бошқа тармоқлари ҳиссаси анча паст, масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссаси 4,0 фоизни, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,4 фоизни ташкил қиласди.

Тадқиқот объектишимиз табиий ресурсларга бой бўлиб, бу ерда олтин, мис, темир рудаси, қурилиш материаллари, фосфорит, газ, нефт, ош тузи ва бошқалар мавжуд.

Қорақалпоғистоннинг 36 та шаҳар аҳоли пунктларида 905,5 минг киши ёки жами аҳолисининг 49,1 фоизи истиқомат қиласди. Шаҳар аҳолисининг қўплиги билан мамлакатимизда олдинги 5-ўринда туради (Наманган, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятларидан кейин). Бу ерда шаҳар аҳолисининг қўплиги ноқулай табиий шароит билан боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун шаҳар аҳолиси асосан Нукус агломерациясида зич жойлашган.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишида ижобий силжишларга эришилди. Ноқулай экологик шароитга қарамасдан минтақада макроиктисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ислоҳотларни амалга ошириш ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Минтақа умумдавлат мәхнат тақсимотида табиий газ (2017 йилдаги улуши 3,0 фоиз), пахта толаси (4,0 фоиз), ош тузи (32,0 фоиз), сода (100 фоиз), гуруч (31,0 фоиз) ишлаб чиқариш бүйича юқори салоҳиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси мәхнат тақсимотида Ўзбекистон Республикасига нисбатан саноатдаги улуши (32,7 фоиз) юқорилиги (Ўзбекистон Республикасида 26,7 фоиз) билан, қишлоқ хўжалигини улушкининг пастлиги билан ажралиб туради. Бу албатта табиий ресурсларнинг борлиги ва табиий шароитнинг ноқулайлиги ва экологиянинг ёмонлашуви билан боғлиқдир. Курилиш соҳаси ҳам тадқиқот объектимизда Ўзбекистон Республикасига нисбатан юқори бўлиб, унинг улуши 7,5 фоизга (Ўзбекистон Республикасида 6,8 фоиз) тенг.

Республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида жалб қилинаётган инвестицияларнинг роли катта ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, сўнги 3 йилда Қорақалпоғистон Республикаси иктисодиётида 13,6 трлн. сўмлик инвестициялар киритилган. Натижада, асосан минтақада кимё, нефт-кимё соҳаси ривожланди. Инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида Кўнғирот туманида “New Global” МЧЖда инерт газ, Нукус шаҳридаги “Tidy-Vita” МЧЖда синтетик кир ювиш воситалари, Тўрткўл туманидаги “Хуршид ворис” МЧЖда каустик сода, Амударё туманидаги “Амударё чарм тайёрлов савдо” ширкатида пойабзал ва ҳакозолар ишлаб чиқарилмоқда (Гулимов, 2018 й.).

Проф. А.С.Солиев Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарларини худудий таркиби, уларнинг географик жойлашуви, минтақанинг қайси қисмида шаклланганлиги асосида ажратган.

Булар қўйидагилар:

- ғарбий райони - Кўнғирот, Оқшалак, Олтинқўл, Элобод, Жаслик, Қорақалпағстон, Шуманай шаҳар аҳолиси пунктларини ўз ичига олиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси жами шаҳар аҳолисининг 9,4 фоизи истиқомат қиласди. Ушбу районнинг ўсиш маркази Кўнғирот шаҳри (37,1 минг киши), урбанизация жараёни асосан ёқилғи ва кимё саноати ҳисобига ортиб бормоқда. Жумладан, Кимёгарлар шаҳарчаси Элобод каустик сода ишлаб чиқарувчи замонавий корхона негизида барпо этилган бўлса, Сурғил газ кони асосида Устюртда республикамида иккинчи йирик газ-кимё мажмуаси шаклланмоқда.

- Орол дengизи билан туташ шимолий районда энг паст кўрсаткич билан (жами шаҳарликларнинг 1,4 фоизи) ажралиб туради. Урбанизация даражасининг ушбу худудий тафовутлари табиий ва ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан боғлиқдир. Минтақанинг марказий қисми Нукус, Қоратол, Оқманғит, Тахиатош, Кегейли, Халқобод, Қозонкетган, Қонликўл, Хўжайли, Водник шаҳар аҳоли пунктларини бирлаштиради. Бу минтақада энг урбанизациялашган район ҳисобланади.

- Марказий районнинг қулай табиий шароити ва ижтимоий-иктисодий омилларга боғлиқ ҳолда, шаҳарлар тўри зичроқдир. Қорақалпоғистон Республикасида ўрта шаҳарлар кўп бўлиб, (Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Беруний) Ўзбекисонда етакчи ҳисобланади. Марказий район асосини Нукус-Хўжайли саноат тугуни ва шу номдаги шаклланаётган шаҳар агломерацияси ташкил қиласиди. Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг қарийб 26,0 фоизи Нукус шаҳрига тўғри келади. Марказий район ривожланишида Тахиатош ИЭС, Нукус озиқ-овқат саноати (консерва, ўсимлик ёғи) ишлаб чиқаришнинг аҳамияти катта. Марказий районнинг шарқий қисмида Чимбой шаҳри ва Қораўзак, Тахтакўпир шаҳарчалари киради, бу ерда урбанизация жараёни жуда паст, инқирозли район саналади. Сўнгги йилларда бу ҳудудда Жанубий Корея сармоялари ҳисобидан Қуи Амударё минтақасида ягона йирик цемент заводи барпо этилмоқда.

- Жанубий район таркибига Мангит, Жумуртау, Беруний, Бўлиш, Бўстон ва Тўрткўл шаҳарлари киради. Районда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар аҳолисининг 38,5 фоизи яшайди. Районда агросаноат мажмуаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати шаклланган. Бу районда ўсимлик ёғи, ун, ароқ ва ликёр ишлаб чиқарилади. Асосий шаҳарлари Беруний ва Тўрткўл ўрта шаҳарлари ҳисобланади (Солиев ва бошқалар, 2018 й).

Хуласа. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз томонидан кўп ишлар бажарилмоқда. Биринчи навбатда экологик вазиятни яхшилаш, транспорт ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, чет мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни тараққий этишига катта эътибор қаратилмоқда.

Қуи Амударё иктисодий райони шаҳар аҳоли пунктларининг шаклланишида қадимда хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ҳамда бу ҳудудни карвон йўллари кесиб ўтганлиги сабабли бўлган бўлса, кейинчалик автомобил ва темир йўлларининг кесиб ўтиши, табиий ресурсларнинг топилиши ва қазиб олиниши, уларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва агросаноат мажмуаларининг барпо бўлиши, саноатни турли тармоқларининг тараққий этиши ва туман маъмурӣ маркази вазифасини бажариши таъсир этган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Антипова Е.А География населения мира. -Беларусь 2003. -89 с.
2. Алескеров Ю.Н., Нормурадов Х.Н. Самаркандская область. –Т.: Узбекистан, 1982. - 135 с.
3. Бабаханова С. Промышленный Самарканд. –Т.: Узбекистан, 1975. – 138 с.

4. Ирригация Узбекистана. Том 1-Т.: Фан, 1975. -351 с.
5. Гулишанбаров С.Г. Экономический обзор Туркестанского района. В 2-х частях – Ашхабад. 1913. – 476 с.
6. David yaukey. Demography, the Study of Human population. Waveland Press, 1990. 352 p.
7. Кадиров М.А. География населения и демография. Ташкент, 2019.-240 с.
8. Кадиров М.А. География городов. Ташкент, 2019.-230 с.
9. Каюмов Х. и др. География населения мира. –Ташкент. 2014. -220 с.
10. Кадиров М.А. Самарқанд вилояти аҳоли географияси. Самарқанд. 2017. 142 с.
11. Кадиров М.А. Демография. Самарқанд, 2019.-370 с.
12. Сегида Е.Ю. География населения с основами демографии. –Харьков, 2013.-80 с.
13. Салиев А. С. География городов республик Средней Азии. –Ташкент. 1984. -84 с.
14. Xасанов И., Ғуломов П. Ўзбекистон табиий географияси (1-қисм). Т., 2007.